

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

GENOMIKA VA BIOINFORMATIKA MARKAZI

NIZOMI

Тошкент вилояти - 2017 й.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази даставвал Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзпахтасаноат” уюшмасининг 2012 йил 18 апрелдаги 10/2, 70, 49- сонли буйруғига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 07-03-10-17- сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзпахтасаноат” уюшмаси қошидаги идоралараро Геномика ва биоинформатика маркази номи билан рўйхатдан ўтган бўлиб, 2012-2015 йиллар давомида самарали фаолият олиб борган.

Марказ 2016 йилдан бошлаб муассис ташкилотларнинг қайта ташкил қилиниши ва тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг 2015 йил 31 декабрдаги 14/2/20/11 - сонли қўшма буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентининг 2016 йил 7 январдаги 4-3 - сонли буйруғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибида давлат илмий-тадқиқот муассасаси сифатида қайта рўйхатдан ўтган ва 2017 йил 10-февралгача фаолият юритган.

“O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Genomika va bioinformatika markazi” (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПП-2769 - сонли “Геномика ва биоинформатика соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишларни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПП-2769 - сонли қарори ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи асосида давлат илмий-тадқиқот муассасаси сифатида қайта ташкил этилди.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215 - сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Марказ бевосита Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига бўйсинади.

4. Марказ ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг қарорлари ва буйруқларига ҳамда ушбу Низомга асосан амал қилади.

5. Марказ юридик шахс мақомига эга бюджетдан молиялаштириладиган илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб, Ўзбекистон

Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, ўз бланklarига, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси банкларида миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

6. Марказнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида – O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Genomika va bioinformatika markazi

Инглиз тилида – Center of Genomics and Bioinformatics of the Academy of Sciences of Uzbekistan

Рус тилида – Центр геномики и биоинформатики Академии наук Республики Узбекистан

7. Марказнинг юридик манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй.

II. Марказнинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Марказнинг вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон учун устувор бўлган барча қишлоқ хўжалиги экинлари (ғўза, буғдой, шоли, маккажўхори, соя, сабзавот, полиз экинлари ва ҳ.к), доривор ва техник ўсимликлар, микроорганизмлар (жумладан фитопатогенлар) ҳамда истиқболли тарзда ҳайвонлар, инсон ва бошқа биологик объектлар геномларини чуқур тадқиқ қилиш, хўжалик аҳамиятига эга бўлган қимматбаҳо генлар тузилишларини ва фаолликларини ўрганишга бағишланган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш;

генлар инженерлиги мақсадларида турли генетик йўллар (genetic pathways) таркибига кирадиган янги оқсиллар ва ферментлар (протеомика), бирламчи ва иккиламчи метаболитларни ўрганиш (метаболомика) ва улар асосида ген-инженерлик технологияларини ишлаб чиқиш;

ўрганилган геном ахборотларини замонавий биоинформатик усуллар ёрдамида комплекс равишда таҳлил қилиш лойҳаларини олиб бориш;

тадқиқ қилинган геномлар ва биоинформатик таҳлиллар асосида замонавий ген ва хужайра инженерлиги, маркерларга асосланган селекция (МАС), геном селекцияси (ГС), виртуал селекция ва моделлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва улар негизида юқори сифатли, стресс омилларига чидамли қишлоқ хўжалиги экинлари ва ҳайвонларнинг янги “генетик бойитилган” нав ва зотларини яратиш бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш;

геном технологиялари асосида яратилган “генетик бойитилган” ўсимликлар навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, уларни республиканинг турли минтақаларида синовдан ўтказиш ҳамда районлаштириш ишларини амалга ошириш;

генетик ўзгартирилган организмлар ва уларнинг маҳсулотларини сертификатлаштириш;

геномика ва биоинформатика бўйича ўзаро манфаатли халқаро алоқаларни янада ривожлантириш, хорижий ҳамда республика олий таълим ва илмий муассасаларида кадрларни тайёрлаш, уларни мунтазам равишда малакасини ошириб бориш;

йирик фундаментал, илмий-техник, ишлаб-чиқариш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни экспертиза қилишда иштирок этиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда “O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Genomika va bioinformatika markazi” тагина тегишли ҳуқуқларга кўра нотижорат ёки тижорат ташкилотларининг таъсисчиси ёки иштирокчиси, шу жумладан интеллектуал фаолият натижалари, маълумотлар базаси, кашфиётлар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)ни амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланувчи хўжалик уюшмалари ва хўжалик ҳамкорларнинг таъсисчиси бўлиш мумкин;

ахборот-ҳисоблаш хизматлари;

консалтинг, менеджмент, маркетинг, инжиниринг, лизинг;

илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва олиб бориш;

илғор технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;

қишлоқ хўжалиги ва паррандачилик маҳсулотларини етиштириш, сотиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият юритиш;

дастурий таъминот яратиш, татбиқ қилиш, дастурий таъминот билан таъминлаш ва уни сотиш;

лаборатория асбобларига техник-сервис хизмат кўрсатиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда олди-сотди фаолияти олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек чет элларда ҳам қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари, енгил саноат, халқ истеъмолчи молларини қайта ишлаш корхоналари ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш жараёнларида иштирок этиш (шунингдек, чет эл инвестицияларига эга бўлган қўшма корхоналар, яъни: шўъба, МЧЖ ва бошқ. корхоналар);

НОУ-ХАУ ва кашфиётларни республикада ва чет элларда рўйхатдан ўтказиш (патентлаш) ва яратган технологияларини лицензиялаш лозим бўлган фаолият турларини юритиш учун амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда лицензия олиш ва сотиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин.

9. Марказ асосий вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг таалуқли бўлинмалари ҳамкорлигида биргаликда фундаментал амалий тадқиқотларни дунё фани даражасида ривожлантириш, уларни давлат илмий-техник дастурлари доирасида устувор равишда молиялаштириш, илмий кадрларни

тайёрлаш ва мутахассисларни чет мамлакатларнинг нуфузли марказларида малакасини ошириб бориш ҳамда тўпланган билим тажрибаларни олий таълим тизими билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг янги яратилган истиқболли навларини дала шароитларида кенг синаш, уруғларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришга жадал жорий қилиш ишларини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг таалуқли бўлинмалари билан ҳамкорликда олиб бориш;

белгиланган тартибда тасдиқланган режага ва давлат илмий-техник дастурларига мувофиқ, тармоқ ва минтақавий муаммоларни ҳал қилиш бўйича турли организмлар геномларини ўрганиш устида фундаментал, амалий ва инновацион изланишлар, лабораториявий тадқиқот ва тажриба ишларини ўтказиш;

геномика ва биоинформатика йўналишида республиканинг бошқа илмий-тадқиқот марказларида ва олий ўқув юртлири кафедраларида бажарилаётган илмий ишларни мувофиқлаштириш;

геном технологиялари асосида яратилган “Генетик бойитилган” навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва уларни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли ташкилотлари билан биргаликда районлаштириш ишларини амалга ошириш;

генетик ўзгартирилган организмлар ва уларнинг маҳсулотларини республикага олиб кириш, улардан фойдаланиш бўйича Ҳукуматга таклифлар тайёрлаб, талаб қилинганда генетик ўзгартирилган организмлар ва уларнинг маҳсулотларини бирламчи лаборатория тестларини тўлов асосида ўтказиш ва белгиланган тартибда сертификациялашни амалга ошириш;

ишлаб чиқариш ташкилотларига услубий ёрдам ва тўлов асосида молекуляр-генетик хизматлар (жумладан турли биологик объектлар учун молекуляр паспортлар яратиш, касалликларни ген-диагностикаси каби) кўрсатиб, марказда жорий этилган илмий ишланмалар устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш;

илмий тадқиқотларни дунё даражасида олиб бориш мақсадида чет эл илмий марказлари ва университетлари билан ҳамкорликда замонавий технопарк ташкил этиш;

кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш;

марказ мустақил стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий-ходим-изланувчилари учун қулай шароитлар яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан ажратилган йиллик квота асосида фан соҳага докторларни тайёрлашда фаолият олиб бориш;

истиқболда геномика ва биоинформатика соҳасида фан ва техника ривожининг асосий йўналишлари бўйича ривожланишни мунтазам кузатиб бориш, соҳада рўй бераётган янгиликлар юзасидан мутасадди вазирликлар ва Республика Ҳукуматида мунтазам ахборот бериб бориш;

олинган натижаларни қишлоқ хўжалигига жорий қилишда ва тиббиётда қўллашда вазирликлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар билан ҳамкорлик қилиш;

зарур ҳолларда илмий-тадқиқотлар мавзусини янгилаш, долзарблигини йўқотган йўналиш ва муаммолар бўйича тадқиқот ишларини ўз вақтида тўхтатиш чораларини кўриш;

геномика ва биоинформатика йўналишида республиканинг бошқа илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида бажарилаётган илмий ишларни мувофиқлаштириш;

илмий ишларнинг (лойиҳалар ва талабномалар) танловини ўтказишда қатнашиш ва уларнинг натижалари бўйича тижоратлаштириш таклифларини киритиш;

илмий ва илмий-техник муаммолар бўйича маҳаллий ва халқаро миқёсда съездлар, конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, анжуманлар, кенгашлар ташкил қилиш, тармоқ илмий ва илмий-техникавий жамиятларнинг ишида иштирок этиш;

илмий кадрлар тайёрлашни, шу жумладан хорижий давлат фуқороларидан (шартнома бўйича), шунингдек, уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

илмий кадрлар таркибини мунтазам равишда истиқболли олимлар ва иқтидорли ёшлар билан тўлдириб бориш;

илмий ходимлар ўртасида лавозимларни эгаллаш учун танлов ўтказиш, улар билан меҳнат ва ҳуқуқий муносабатлар бўйича 5 йилгача шартнома тузиш;

тадқиқотлар натижалари бўйича монография ва илмий мақолалар чоп этиш;

халқаро ҳамкорликни амалга ошириш (шу жумладан ташқи иқтисодий фаолият асосида), илмий изланишлар юзасидан кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

Марказда бажарилган ишлар бўйича илмий ва муаллиф устуворлигини ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;

бажарилаётган режадаги илмий-тадқиқот ишларини қайд қилиш, тегишли ташкилотларга бажарилган ишлар юзасидан илмий-техник маълумотлар ва ҳисоботлар тақдим этиб бориш, ўз фаолиятида илмий-ахборот маълумотларидан тўла фойдаланишни таъминлаш;

дунёни етакчи марказлари билан давлат манфаатларидан келиб чиқиб республика ва халқаро миқёсда илмий-инновацион ва ўқув-тренинг жараёнлари фаолиятини амалга оширадиган юқори технологик марказлар (технопарклар)ни ташкил қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни ташкил қилиш ҳамда фаолиятини юритишда иштирок этиш.

III. Марказнинг ҳуқуқлари

10. Марказ унга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги ҳуқуқларга эга:

биологик объектлар геномлари устида фундаментал, амалий ва иновацион тадқиқотлар олиб бориш;

геном технологиялари асосида яратилган “генетик бойитилган” навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

махсус уруғчилик хўжалиги фаолиятида алмашлаб экишдан олинган маҳсулотларни сотиш ва ундан тушган маблағлардан ушбу Низомнинг 19- ва 21-бандига мувофиқ фойдаланиш;

катта илмий-ходим-изланувчи институтларини очиш учун таклифлар киритиш ҳамда бу институтлар учун Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ва Фан ва технологиялар Давлат комиссияси томонидан ажратиладиган йиллик квоталарни олиш;

Марказ қошида йўналишга мос илмий ихтисосликлар бўйича диссертациялар ҳимояларини ўтказиш бўйича Ихтисослашган кенгаш очиш тўғрисида Олий Аттестация Комиссиясига таклифлар киритиш ва унинг фаолиятини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ва Фан ва технологиялар Давлат комиссияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятига ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларга Марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни замонавийлаштириш ҳамда тадқиқотлар учун қулай шароит яратиш бўйича таклиф киритиш;

геномика ва биоинформатика бўйича ўзаро манфаатли халқаро алоқаларни боғлаш ва уларни кенгайтириш таклифларини киритиш;

илмий тадқиқот натижалари, фан ютуқлари ва кашфиётларига бағишланган илмий, илмий-оммабоп мақолалар, монографиялар, журналлар, анжуман материаллари, буклет ва постерлар ҳамда турли тарқатма материалларни чоп этиш;

дунё фани ривожланиш тенденциясига мувофиқ марказ асбоб-ускуналарини ва керакли жиҳозларини янгилаб бориш;

соҳага малакали кадрлар тайёрлаш, маҳаллий ва халқаро миқёсда ўқув тренинг дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, ходимларни халқаро марказда малакасини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш, зарурий ва самарали ҳолларда геном технологиялари бўйича маҳаллий ва хорижий ташкилотларга (шартномага мувофиқ) қонун доирасида тўловли тренинг хизматлари кўрсатиш;

республикага олиб кириладиган генетик ўзгартирилган организмлар ва уларнинг маҳсулотларидан фойдаланиш ва назорат қилиш қонунларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида йирик фундаментал, илмий-техник, ишлаб-чиқариш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни экспертиза қилишда иштирок этиш;

илмий-тадқиқотлар, тажриба ва экспериментал ишлар ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўйича истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш;

илмий кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш, малакаларини ошириш бўйича режа-дастурлар ишлаб чиқиш;

ташкilotлараро муассасалар учун тақчил ва устувор мутахассисликлар бўйича изланувчиларни мақсадли тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчи институтларига қабул қилиш режасини ишлаб чиқиш;

ўзининг асосий йўналиши бўйича анжуманлар, семинарлар, симпозиумлар ва шу жумладан халқаро тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Марказ ўз йўналишидаги фаолияти бўйича буюртмачилар билан шартномавий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ҳажмини мустақил белгилаш;

илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган чет эл ва ички грантлар доирасида чет эллик мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш;

олимларнинг илмий фаолиятини таъминлаш учун қулай шароит яратиш;

Марказ олимлари томонидан ишлаб чиқилган янги ишланмалар ва кашфиётларни республикада ҳамда халқаро миқёсда (белгиланган тартибга кўра) патентлаш, уларни марказ ва давлат (халқаро патентлар учун) манфаатларини кўзлаган ҳолда лицензиялаш, муаллифлик ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги меъёрга риоя қилган ҳолда давлат бюджетидан молиялаштириладиган фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини давлатга топшириш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини, узлуксиз ва бир маромда амалга оширишни таъминловчи зарурий хом-ашё, ёқилғи ва бошқа ресурслар захираларига эга бўлиш, уларнинг тежалишини назорат қилиш;

ҳаво, тупроқ ва сув ҳавзаларини хўжалик чиқиндилари, оқава сувлар ва чиқитлари, шунингдек шовқин ва радиошовқинларидан муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

ходимларни ижтимоий химоя қилиш чора тадбирларини кўриш;

турли фирма, мулкчиликнинг турли шакллари билан фаолият юритадиган кичик ва кўшма корхоналар, шунингдек, нодавлат ва нотижорат ташкilotлар, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлайдиган фондлар ташкил қилиш.

IV. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Муассис ташкilot Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Марказнинг илмий фаолиятига ва яратилган янги навларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга

раҳбарлик қилади ҳамда марказ илмий лойиҳаларини ўрнатилган тартибда молиялаштириб боради;

Марказ фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;

ўзи таъсис этган Марказ низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Марказ раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Марказ мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида даъво билан судга муурожаат қилиш;

Марказнинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига марказни хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

Марказга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида марказ раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиш;

Марказ раҳбарини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг билан меҳнат шартномасини тузиш;

Марказ давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч мобайнида марказнинг низом фондиди унга давлат мулкни тезкорлик билан бошқариш учун бериш йўли билан шакллантириш;

ҳар йили Марказнинг штат жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, ҳар ярим йилликда (йилда икки маротаба) ижро этувчи органнинг унинг бажарилиш ҳақидаги ҳисоботини эшитиш;

бозор қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошадиган мол-мулкни тасарруф этиш учун марказнинг ижро этувчи органига рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равишда Давлат рақобат қўмитаси билан келишиш;

Марказга берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

V. Васийлик кенгаши, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Марказнинг самарали фаолият олиб бориши учун республикада ген-нокаут технологияси асосида ғўзанинг янги истиқболли навларини яратиш, уларни дала шароитида синаш, уруғларини кўпайтириш, районлаштириш ишларига кўрсатаётган ҳомийлик ёрдамларини келгусида ҳам қўллаб-қувватланишини инobatга олган ҳолда унинг қошида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти иштирокида “Васийлик Кенгаши” фаолият олиб боради. Марказ фаолиятида юқори инновацион

технологияларни лицензиялашдан олинадиган фойдадаги улушлар миқдори “Васийлик Кенгаши” қарори билан белгиланилади ва ўзгартирилади.

13. Васий ташкилотларнинг вазифалари қуйидагича белгиланади:

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси - Марказда фундаментал ва амалий тадқиқотларни дунё фани даражасида ривожлантириш, уларнинг давлат илмий-техник дастурлари доирасида устувор равишда молиялаштириш, илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассисларни чет мамлакатларнинг нуфузли марказларида малакасини ошириб бориш ҳамда тўпланган билим ва тажрибаларни олий таълим тизими билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги – Марказда яратилган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги истиқболли навларини дала шароитларида кенг синаш, уруғларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришга жадал жорий қилиш ҳамда олиб борилаётган тадқиқотлар учун устувор тарзда инновация маблағларини ажратиш;

- “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти – Марказ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун мунтазам равишда инвестиция маблағларини ажратиб бориш ва энг муҳим янги технологияларни тижоратлаштиришда моддий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз таклифларини бериш ва имкониятлари доирасида молиялаштиришни амалга ошириш.

Ўз фаолиятида Васийлик кенгаши ЎЗР конституцияси ва қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ташкилотнинг маҳаллий норматив ҳужжатлари, амалдаги Қоидалар асосида раҳбарлик қилади.

Васийлик кенгаши фаолияти унинг аъзолари ўртасидаги очиклик, кўнгиллилик, тенг ҳуқуқлилиқка асосланади.

Васийлик кенгашининг қарори тавсия ва маслаҳат тарзида қабул қилинади.

Васийлик кенгаши юридик шахс ҳисобланмайди, мулкдор ҳуқуқига эгалик қилмайди, алоҳида мулкка эгалик қилмайди.

Васийлик кенгаши қуйидаги ваколатларга эга:

Жалб этилган маблағлардан молиялаштирилаётган илмий тадқиқотлар тематикасини аниқлаш жараёнларида қатнашади;

Ташкилотнинг маҳаллий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа муаммоларни ҳал этади.

VI. Марказ фаолиятини ташкил этиш

14. Марказга Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган директор раҳбарлик қилади.

Директорнинг тавсиясига кўра илмий ва умумий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда илмий котиби Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси буйруғи билан лавозимларга тайинланади ва лавозимлардан озод қилинади.

15. Директор:

Марказга юклатилган вазифалар ва мажбуриятларни бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади;

ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Марказ ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Марказнинг ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

Марказ директори лавозимига мувофиқ Илмий кенгаш раиси ҳисобланади. У бўлмаганда, марказ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Илмий кенгашга раислик қилади, марказнинг илмий котиби бир пайтнинг ўзида Илмий кенгаш котиби ҳисобланади.

VII. Марказнинг Илмий кенгаши:

16. Илмий кенгаш илмий ва илмий-ташкिलий орган ҳисобланади.

17. Илмий кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси буйруғи билан директорнинг тавсияси бўйича 5 йил муддатга, директорнинг ваколат муддати доирасида тасдиқланади.

илмий кенгаш дастурлар, грантлар, йиллик ва тажриба-конструкторлик ишлари лойиҳаларини, илмий кадрлар тайёрлаш ҳамда кенгашлар, конференциялар ўтказиш режаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Марказнинг барча асосий бўлинмалари ва марказ бўйича илмий ва илмий-ташкilotчилик фаолиятининг муҳим натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Марказнинг структуравий ўзгаришлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади;

муҳим илмий муаммоларни аниқлайди, илмий маърузаларни тинглайди ва марказнинг илмий ишлари натижаларига баҳо беради;

Марказнинг илмий ишлар тўпламини тайёрлаш ва нашр қилиш режасини кўриб чиқади. Марказнинг илмий ишлар тўпламини ва ходимларнинг режадаги ишларини чоп этишга тавсия қилади;

бошқа илмий муассасалар, шу жумладан халқаро ва чет эл муассасалари билан ҳамкорлик режаларини бажаришни мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама қилади;

фан докторлиги диссертациялари мавзуларини тасдиқлайди;

илмий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади, илмий кадрлар тайёрлаш бўйича олимларнинг ахборотини мунтазам равишда тинглайди;

диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш шахсий таркибини тасдиқлашга тавсия қилади ва унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглайди;

Марказ олимларини йирик илмий асарлар, илмий ихтиро ва кашфиётлар яратганликлари учун уларни Давлат мукофотларига тавсия қилади;

Олий Аттестация Комиссиясига илмий унвон олиш учун тавсия беради; илмий-тадқиқот бўлинмалари мудирлигига, вакант бўлган етакчи ва катта илмий ходим лавозимларига танлов ўтказиши;

илмий кенгаш аъзоларининг 2/3 қисми ёки ундан ортиғи Кенгаш мажлисида қатнашганлари тақдирда, кенгаш қарор қабул қилиш ваколатига эга. Агар кўрилаётган масала мазмуни яширин овоз беришни талаб қилмаса, қарор очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади;

илмий кенгаш қарори юридик кучга эга ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳамда унинг ходимлари фаолиятига жорий қилиниши шарт, қабул қилинган қарорлар етарли асосга эга бўлмаган тақдирда Илмий кенгашнинг ўзи томонидан қайта кўриб чиқиши ва бекор қилиниши мумкин;

тадқиқотчиларни моддий рағбатлантириш жамғармасидан рағбатлантириш учун тавсия қилиш.

VIII. Марказнинг иқтисодий фаолияти асослари

18. Марказнинг мулки қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджети ва белгиланган тартибда жалб қилинган бюджетдан ташқари маблағлар (ташқи ва ички инвестициялар, ишлаб чиқариш ва интеллектуал мулк маҳсулотларини сотишдан келадиган даромадлар, хомийларнинг беғараз бадаллари ва бошқалар);

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

19. Марказ мулкининг қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилади.

20. Марказнинг штат жадваллари ва харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан тасдиқланади.

21. Марказ ўз фаолиятидан олинган даромадларидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ фойдаланади.

22. Марказ мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва корхона ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

23. Марказ мулкини тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни гаровга қўйиш, мулкни хўжалик жамияти Устав фондига улуш сифатида қўйиш, мулкни корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган ҳолда бошқача тарзда тасарруф (балансдан чиқариш ва ҳ.к.) этиш ва бошқалар.

24. Бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларини) сотиш Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

IX. Ҳисоб ва ҳисобот тақдим этиш

25. Марказнинг ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхатни қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

X. “O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Genomika va bioinformatika markazi” фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш

26. “O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Genomika va bioinformatika markazi” фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.